



СУД ХУЖЖАТИНИ ИЖРО ЭТМАСЛИК ЖИНОЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАОММОЛАРИ

Абдуллаев Тўлқин Бектемирович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

20052008la@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6417134>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-mart 2022

Ma'qullandi: 20-mart 2022

Chop etildi: 25-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

Суд, ҳужжатлар, қарор, ижро этмаслик, жиноят, жазо, жавобгарлик, таъминлаш, ҳуқуқ, қонун,

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада суд ҳужжатини ижро этмаслик жиноятини ривожланиши ҳамда такомиллаштириш муаоммоларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада суд ҳужжатини ижро этмаслик жиноятини ривожланиши ҳамда такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятни шакллантиришда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мустақил суд ҳокимиятини шакллантирмасдан туриб, юқоридаги мақсадга эришиб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти эканлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва



шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судларнинг прокуратурадан мустақил, эркин фаолият олиб боришини таъминлаш борасида қўйилган дастлабки қадамлар ўз натижасини бераётганини ўтган беш йил вақт мобайнида оқланган шахслар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунга қадар амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг дастлабки натижаларига маҳлиё бўлиб қолмасдан, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозимлигини айтди.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифа эканлиги, айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шартлиги, шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, қабул қилинган суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари ҳалигача аниқ амалий натижа берапти деб бўлмайди, бу қарорларнинг аксарияти ойлаб, ҳатто йиллаб бажарилмасдан қолмоқда. Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилишига, балки улар томонидан чиқарилган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорининг бажарилишига ҳам боғлиқдир. Мамлакатимизда суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий

асослари яратилган ҳамда у такомиллаштирилиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг

“Судлар тўғрисида”ги қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарорларида суд ҳужжатлари ижросини таъминлашга оид ҳуқуқий воситалар ишлаб чиқилган. Суд ҳужжатлари ижросини таъминлашда уларни бажармаганлик учун жавобгарлик чораларининг белгиланиши ушбу қилмишлар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд ҳужжатларини бажармаслик ижтимоий хавfli қилмиш сифатида Жиноят Кодексида мустаҳкамланганлиги унинг жамият,



аниқроғи, ҳокимиятлар тақсимланишининг мустақил бўғини, давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи, фуқаролар ҳимоячиси бўлмиш – одил судлов институти манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XVI боби “Одил судловга қарши жиноятлар”, деб номланиб, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу жиноятлар одил судлов органларининг нормал фаолиятига тажовуз этувчи жиноятлар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади. Юридик адабиётларда одил судловга қарши жиноятлар дейилганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, шунингдек, бошқа фуқаролар томонидан суриштирув, дастлабки тергов, суд иш юритуви ва жазони ижро этишни тартибга солувчи қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва шахс манфаатларига зарар етказадиган, ҳамда шу билан суднинг жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ҳаракатлар тушунилади¹, деб таъриф берилади.

Бизнинг фикримизча, одил судловга қарши жиноятлар суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, шунингдек, мансбдор шахслар ва фуқаролар томонидан суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд иш юритуви тартибига оид қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва шахс манфаатларига зарар етказадиган, шу билан суднинг жиноят, фуқаролик ёки ҳўжалик ишлари бўйича

одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 232-моддасида суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган эди.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун”га мувофиқ суд қарорларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикаси ЖК 232-моддаси янги таҳрирда баён қилинди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун асосида Жиноят Кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу жиноят субъектлари доирасини кенгайтирди, эндиликда суд ҳужжатининг бажарилмаганлиги учун нафақат мансбдор шахслар, балки оддий фуқаролар ҳам жавобгар бўлиши белгиланди.

Суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарликнинг такомиллаштирилиши ва бу соҳада давом эттирилаётган ислохотлар ушбу диссертация тадқиқоти учун танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Мазкур тадқиқот ишининг мазмунини ҳуқуқ тартиботнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, суднинг обрўсига путур етказётган суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарлик ва қарши кураш муаммолари ташкил этади.

Юқорида келтирилганлар нафақат мавзунини танлаш учун асос бўлди, балки

¹ Гулямов З.Х. Преступления против правосудия / Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997. – С.40.



тадқиқотнинг тавсиф ва йўналишини ҳам белгилаб берди.

Таъкидлаганимиздек, суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жиноий жавобгарликни тадқиқ қилиш масаласига миллий юридик адабиётларимизда етарлича эътибор берилмаган.

Ғ.Абдумажидов,
Ю.Каракетов, М..Рустамбоев,
М.Усмоналиев, З.Ғуломов,
Қ.Абдурасулова, И.Исмоилов,
Ю.Рахимовнинг асарларида бу муаммонинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган, холос.

З.Ғуломов томонидан одил судловга қарши жиноятлар масаласи докторлик диссертацияси даражасида тадқиқ қилинган бўлиб, унда одил судловга қарши бошқа жиноятлар қаторида суд қарорларини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам тадқиқ қилинган². Ушбу тадқиқот мазкур илмий ишни тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, биринчидан, ушбу тадқиқот бевосита суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик масаласига бағишланмаганлигини, иккинчидан, у Жиноят Кодексининг 232-моддасининг эски таҳрири асосида тадқиқ қилинганлигини эътироф этиш жоиз.

Бундан ташқари, 2022 йил 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”³ги ПҚ-107-сон Қарори билан қабул қилинган. Қарорга кўра, давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, ушбу чора тадбирларни мавзуга алоқадор қисми бўйича маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ушбу Қарор билан жамиятда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш мақсадида мазкур қарорнинг 2-бандига асосан процессуал қонун ҳужжатларида белгиланаётган тартиблар доирасида давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш, давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари

² Гулямов З.Х. Преступления против правосудия / Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997. – С.40; Гулямов З.Х. Уголовно-правовая ответственность за неисполнение судебного решения // Гулямов З.Х. на пути к независимому суду.// Ж.Именем закона. 2010. №3. С.85-87.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5841287>



ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш ҳамда давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш назарда тутилган.

Шунингдек, Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорида аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган фуқаролик ишлари бўйича суд учун мажбурий ҳисобланишини белгилашни назарда тутувчи таклифлари маъқулланган.

Ушбу қарор талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирда амалда

бўлган Жиноят кодексининг 232-моддасига тўла мос келмайди, шу сабабли ушбу модда бўйича қонунчиликни такомиллаштириб, таклиф киритиш учун тадқиқ қилиш лозим бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур мавзунинг мақсади, эмпирик материалларни ва статистик маълумотларни ўрганиш, суд ҳукмларини, суд қарорлари ва бошқа суд ҳужжатларини бажармаслик ҳолатларига қарши кураш муаммоларини комплекс жиноят-хуқуқий ўрганиш, илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиладиган жиноят тури бўйича қўлланиладиган жиноят-хуқуқий нормаларини тадбиқ этиш тажрибаларини йўлга қўйишдан иборатдир.